



### **ПРОФЕССОР ФАЙЗУЛЛА МЎМИНОВ — ЭНГ ЯХШИ ПЕДАГОГ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралда қабул қилинган “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” республика танловини ўтказиш бўйича 32-сонли қарорига мувофиқ 2014-2015 йил ўқув йилида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Халқаро журналистика факультети “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси профессори, филология фанлари доктори Мўминов Файзулла Абдуллаевич журналистика йўналиши бўйича 1-ўринга муносиб деб топилди. Мазкур тадбирнинг “Туркистон” саройида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида мукофотни Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ваҳобов тантанали равишда топширди.

Таъкидлаш жоизки, Файзулла Мўминов ўзининг қирқ йиллик меҳнат фаолиятини журналистика таълимига бағишлаб, оддий ўқитувчиликдан, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири, журналистика факультетининг декани каби масъул лавозимларда фаолият олиб борди. У ўзининг чуқур билими, теран дунёқараши, кенгқамровли илмий ва педагогик фаолияти, принципиал позицияси билан соҳа мутахассисларининг ҳурматиغا сазовор бўлди.

Файзулла Мўминов 1992 йилда М.В. Ломоносов номидаги МДУда докторлик диссертацисини ҳимоя қилганидан кейин ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида ишлаш билан бирга Москва, Воронеж, Куала-Лумпур, Алмати, Нукус университетларида маърузалар ўқиб, соҳага оид

салмоқли тадқиқотлар олиб борди. Уларнинг ҳосиласи профессор томонидан ёзилган дарслик, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий-услубий қўлланма ва мақолаларда ўз ифодасини топди. Профессорнинг илмий ва услубий асарлари кенг қамровли мавзуларда: журналистика назарияси ва амалиёти, тарихи. психологияси, социологияси, ОАВ соҳасида давлат сиёсати, медиатаълим, жамоатчилик билан алоқалар, ахборот хавфсизлиги ёшлар тарбиясига таътишланганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, профессор раҳбарлигида тайёрланган “Жаҳон журналистикаси тарихи” миллий журналистика соҳасида биринчи дарслик эди (1949 йилда ЎЗМУда журналистика кафедраси очилганидан бери). Ўтган йиллар давомида Файзулла Мўминов журналистика факультетларида талабаларга сабоқ бериб, касб сирларини ўргатиш билан бирга 2 дарслик (муаллифлар гуруҳи раҳбари), 4 монография, 6 ўқув-услубий қўлланма, 90 га яқин илмий мақолалар эълон қилди. Унинг дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларидан Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Қорақалпоғистон давлат университетларида тахсил олаётган талабалар кенг фойдаланмоқда.

Профессор соҳанинг етук мутахассиси, зукко олим сифатида факультет талабаларига журналистика йўналиши бўйича бир қатор фанлардан маърузалар ўқийди. Талабалар профессорнинг қизиқарли, янгиликларга бой маърузаларини катта иштиёқ ва масъулият билан ўрганадилар. Кези келганда домла фанларга нисабатан ўзига ҳам, талабаларга ҳам талабчанлик билан жиддий ёндашади. Шунинг учун ҳаммиша домла илмга, соҳа сирларини кунт билан ўрганишга бел боғлаган талабалар қуршовида бўлади. Уларга зарур маслаҳатлар, керакли маълумотларни беришдан толмайди. Бунинг самараси ўлароқ охириги уч йилда домланинг шогирдларидан 2 нафар Президент давлат стипендияси, 2 нафари Навоий номидаги давлат стипендияси совриндорлари булишди. Шунингдек, домла тайёрлаган талабалар орасида журналистика таълими ва соҳасида халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган турли танловларда ғолиб бўлганларни кўплаб учратиши мумкин. Жумладан, биргина 2014-2015 ўқув йилида унинг илмий раҳбарлигида халқаро журналистика факультети магистранти Ситора Саидова Президенти давлат стипендияси, 4-курс талабаси Садоқат Алижонова Навоий номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлдилар. Файзулла Мўминовнинг илмий раҳбарлигида ўндан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилиниб, бугун шогирдлари домла билан бир сафда педагогик фаолият олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари профессор Файзулла Мўминов республика давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар томонидан ўтказиладиган илмий

семинарлар, конференция ва форумларла қизиқарли маърузалари билан мунтазам иштирок этиб келади. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг “Ахборот ва коммуникацион технологиялар” ва Хавфсизлик масалалари” бўйича қўмиталарининг эксперти, “Ўзбекистон матбуоти” ва “Хабаршы” журналлари таҳририятларинг аъзоси ҳам ҳисобланади.

Филология фанлари доктори, профессор Файзулла Мўминовнинг таълим соҳасида, журналист кадрларни тайёрлашга қўшаётган салмоқли ҳиссаси туфайли у “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови ғолиби сифатида яна бир эътирофга, ҳурматга сазовор бўлди. Биз ЎзДЖТУ жамоаси номидан домланинг эришган бу ғалабаси билан қизгин табриклаб, бундан кейинги ишларига мувафаққиятлар тилаб қоламиз.

**Назира Тошпўлатова**